

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИ ЎРТАСИДА
БИТИМ

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА ЎЗАРО ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

2003 йил 28 январь, Мадрид

LexUZ шарҳи

Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 апрелдаги 194-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

(2003 йил 19 декабрдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги, бундан кейин «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

иккала мамлакатнинг ўзаро манфаати учун иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни истаб,

бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари учун бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, ҳамда

ушбу Битимга мувофиқ инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш бу соҳадаги амалий фаолликни қўллаб-қувватлашни эътироф этиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда
Таърифлар

Ушбу Битим мақсадларида:

1. «Инвестор» атамаси Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида инвестицияларни амалга ошираётган исталган фуқаросини ёки исталган компаниясини англатади:

а) «Фуқаро» атамаси ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига мувофиқ унинг фуқароси ҳисобланган жисмоний шахсни билдиради;

б) «Компания» атамаси ушбу Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ тузилган ёки ўзгача тегишли тарзда ташкил топган ҳамда ўша Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ўз манзилига эга бўлган корпорациялар, ширкатлар ёки тадбиркорлар ассоциациялари каби юридик шахсларни ёки ҳар қандай бошқа савдо-ишлаб чиқариш корхонасини англатади.

2. «Инвестиция» атамаси бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг қонунлари ва тартиботларига мувофиқ инвестицияланган барча турдаги активларини билдиради, аммо нафақат уларни, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек ипотека, чегириб қолиш ҳуқуқи, гаров каби ҳар қандай бошқа мулкӣ (мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ) ҳуқуқлар ҳамда шу сингари ҳуқуқлар;

б) компания акциялари, жамғармалари ва қарз мажбуриятлари ёки компания ёхуд савдо-ишлаб чиқариш корхоналарида иштирок этишнинг ҳар қандай бошқа шакллари;

с) пул талабномалари ёки инвестициялар билан боғлиқ, молиявий қийматга эга бўлган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан талабномалар;

д) интеллектуал ва саноат мулкига бўлган ҳуқуқлар; техник жараёнлар, «ноу-хау» ва «гудвил»;

е) иқтисодий ва тижорат фаолиятини амалга ошириш учун қонунга қўра ёки шартномага мувофиқ, шу жумладан табиат ресурсларини тадқиқ қилиш, қайта ишлаш, қазиб олиш ёки фойдаланиш учун концессиялар асосида берилган ҳуқуқлар.

Бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар қандай юридик шахси томонидан амалга оширилган, аслида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари эга

бўлган ёки назорат қиладиган инвестициялар ҳам, башарти, улар биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва тартиботларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари ҳисобланиши зарур.

Активлар инвестицияланган ёки қайта инвестицияланган шаклдаги ҳеч қандай ўзгариш уларнинг инвестиция сифатидаги характериға таъсир кўрсатмайди.

3. «Даромадлар» атамаси инвестициялар натижасида олинган қийматларни билдиради, аммо нафақат уларни, хусусан сармояларнинг ўсишидан келадиган фойда, дивидендлар, фоизлар, даромадлар, роялти ва мукофотларни ўз ичига олади.

4. «Худуд» атамаси:

а) Ўзбекистон Республикасига нисбатан: Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўз юрисдикцияси ҳамда бошқа суверен ҳуқуқларини амалга оширадиган қуруқ ер худуди, ички сувлар ва ҳудудий сувлар, ҳаво кенглиги ҳамда ҳар қандай бошқа худудни англатади;

б) Испания Қироллигига нисбатан: халқаро ҳуқуққа мувофиқ Испания Қироллиги юрисдикцияға эға бўлган ёки эға бўлиши мумкин бўлган ва/ёки бошқа суверен ҳуқуқларини амалга оширадиган қуруқ ер худуди, ички сувлар ва ҳудудий сувлар, ҳаво кенглиги, шунингдек мутлақ иқтисодий зона ва унинг ҳудудий сув чегараларидан ташқарида бўлган континентал шельфни англатади.

2-модда

Инвестицияларни рағбатлантириш ва қабул қилиш

1. Ҳар бир Томон ўз худудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларини имкон қадар рағбатлантиради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг қонун ва тартиботларига мувофиқ шундай инвестицияларни қабул қилади.

2. Ўз худудида инвестицияларни қабул қилган Аҳдлашувчи Томон ўз қонун ва тартиботларига мувофиқ шундай инвестициялар ва битимларни лицензиялаштириш ҳамда техникавий, тижорат ва маъмурий кўмаклашув тўғрисидаги шартномаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган зарурий рухсатномалар беради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, зарурат туғилганда, ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ маслаҳатчилар ва бошқа малакали шахсларнинг миллатидан қатъи назар, уларнинг фаолиятиға тааллуқли зарурий рухсатномалар беришға ҳаракат қилади.

3-модда

Ҳимоялаш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон худудида амалга оширган инвестицияларига нисбатан адолатли ва тенг ҳуқуқли режим яратилади ҳамда улар тўла ҳимоя ва хавфсизлик билан таъминланади.

2. Ҳеч қайси Аҳдлашувчи Томон шундай инвестицияларни бошқариш, қўллаб-қувватлаш, фойдаланиш, эғалик қилиш ёки тасарруф этиш борасида асосланмаган ёки камситувчи чоралар қўллаш йўли билан ҳеч қандай тарзда тўсқинлик қилмайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари хусусида ёзма равишда ўз зиммасига олган ҳар қандай мажбуриятларға амал қилади.

4-модда

Миллий режим ва энг қулай режим

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз худудида тегишли инвестор учун бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг амалга оширган инвестицияларига ўз инвесторлари ёки исталган учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига яратилганидан кам бўлмаган энг қулай режимни яратади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз худудида тегишли инвестор учун бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларини бошқариш, қўллаб-қувватлаш, фойдаланиш, эғалик қилиш ёки тасарруф этиш борасида ўз инвесторлари ёки исталган учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига яратилганидан кам бўлмаган энг қулай режимни яратади.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандларига мувофиқ яратиладиган режим исталган Аҳдлашувчи Томонни қуйидагилардан келиб чиқадиган исталган режим, имтиёзлар ёки

енгилликларни бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига ҳамда уларнинг инвестицияларига нисбатан татбиқ этишга мажбурловчи омил сифатида талқин қилинмаслиги лозим:

а) Аҳдлашувчи Томонлардан бири аъзоси бўлган ёки келгусида аъзоси бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай мавжуд ёки келгусида ташкил этиладиган эркин савдо зонаси, божхона иттифоқи, молия уюшмаси ёхуд минтақавий иқтисодий ташкилотнинг ҳар қандай бошқа шакллари, ёки

б) тўлалигича ёки қисман солиқ солишга тааллуқли бўлган ҳар қандай халқаро битим ёки келишув ёхуд асосан ёки бутунлай солиқ солишга алоқадор бўлган ҳар қандай миллий қонунчилик.

5-модда **Экспроприация**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида давлат тасарруфига ўтказилмайди, экспроприация қилинмайди, ёки уларга нисбатан давлат тасарруфига ўтказиш ёки экспроприация қилиш (бундан кейин «экспроприация» деб аталади) каби чоралар қўлланилмайди, жамоатчилик мақсадларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бундан мустасно. Экспроприация камситмаслик асосида, тегишли ҳуқуқий тартиботларга мувофиқ равишда ҳамда кечиктирмасдан, айнан бир хил ва самарали бадал тўловларини тўлаш тарзида амалга оширилади.

2. Бундай бадал тўлаш, аввал қандай ҳол рўй берганлигидан келиб чиққан ҳолда («қиймат аниқланган сана» деб аталувчи), экспроприация қилинган инвестицияларнинг бевосита равишда экспроприациягача ёки бўлғуси экспроприация тўғрисидаги қарор маълум бўлгунга қадар мавжуд бўлган бозор қийматида тенг бўлиши лозим.

3. Бундай бозор қиймати инвестицияларни қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томоннинг валютани муомалада бўлишини тартибга солувчи қоидаларига мувофиқ қиймат аниқланган санадаги валютага нисбатан қўлланиладиган устувор алмашув курси бўйича эркин муомаладаги валютада ҳисобланади. Бадал тўлаш экспроприация санасидан тўловлар санасигача қиймати аниқланган валюта учун бозор нархлари асосида белгиланган тижорат ставкаси бўйича фоизларни ўз ичига олади. Бадал тўлаш кечиктиришларсиз, самарали равишда амалга оширилиши ҳамда эркин тарзда ўтказилиши лозим.

4. Зарар кўрган инвестор экспроприацияни амалга ошираётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ ушбу моддада қайд этилган принциплар асосида ўз ишини, жумладан инвестициялари қийматини аниқлаш ҳамда бадал тўловлари масаласини бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг суди ёки бошқа ваколатли ва мустақил органи томонидан тез орада кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудининг исталган қисмида амалдаги қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган ёки ташкил топган ҳамда бошқа Томон инвесторларининг улушларига эга бўлган компания активларини экспроприация қилганда, бу улушларга эгаллик қилувчи бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг бундай инвесторларига уларнинг инвестицияларига нисбатан ушбу модда қоидалари кечиктиришларсиз, айнан бир хил ва самарали бадал тўланилишини кафолатлаган ҳолда қўлланилади.

6-модда **Зарарларни қоплаш учун бадал тўлаш**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги уруш ёки бошқа қуролли тўқнашув, фавқулодда ҳолат, исён, кўзғолон, фуқаролик тартибсизликлари ёки шу каби бошқа воқеалар оқибатида зарар кўрган инвестициялари учун бошқа Аҳдлашувчи Томон ўз инвесторлари ёки исталган учинчи давлат инвесторлари учун реституция, товон тўлови, бадал тўлаш ёки бошқа тартиботларни тегишли инвесторга нисбатан кўзда тутувчи режимдан кам бўлмаган қулай режимни яратади. Улардан келиб чиқадиган тўловлар эркин тарзда ўтказиладиган маблағ ҳисобланади.

2. Ушбу модданинг **1-банди** қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида аввалги бандда қайд этилган ҳар қандай воқеа-ҳодисалар оқибатида қуйидагилар туфайли зарар кўрган инвесторларига:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қуролли кучлари ёки ҳокимияти томонидан унинг инвестициялари ёки уларнинг бир қисми реквизиция қилинган ҳолда; ёки

b) вазият тақозо этмаган ҳолларда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қуролли кучлари ёки ҳокимияти унинг инвестициялари ёки уларнинг бир қисми нобуд бўлиши оқибатида етказилган зарар учун бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳар қандай ҳолатда кечиктиришларсиз, айнан бир хил ва самарали равишда реституция ёки бадал тўлайди.

Улардан келиб чиқадиган тўловлар кечиктиришларсиз эркин тарзда ўтказиладиган маблағ ҳисобланади.

7-модда **Пул ўтказиш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига уларнинг инвестицияларга тааллуқли барча тўловларнинг эркин ўтказилишини кафолатлайди. Бундай пул ўтказишлар, хусусан қуйидагиларни, аммо нафақат уларни ўз ичига олади:

a) инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ёки қўпайтириш учун дастлабки сармоялар ва қўшимча сармоялар;

b) 1-моддада қайд этилган инвестициялардан келган даромадлар;

c) инвестицияларга тааллуқли бўлган заёмларни тўлаш учун жамғармалар;

d) 5- ва 6-моддаларда қайд этилган бадал тўловлари;

e) инвестицияларни бутунлай ёхуд қисман сотишдан ёки тугатишдан келган тушумлар;

f) инвестициялар муносабати билан хориждан ёлланган ходимларнинг иш ҳақи ёки бошқа мукофотлари;

g) низоларни ҳал этишда юзага келадиган тўловлар.

2. Ушбу Битимга мувофиқ пул ўтказишлар инвестицияларни қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томоннинг валютани муомалада бўлишини тартибга солувчи қоидаларига мувофиқ пул ўтказиладиган санадаги устувор алмаштириш курси бўйича эркин муомаладаги валютада кечиктиришларсиз амалга оширилади.

3. Аҳдлашувчи Томон, агар унинг қонун ва тартиботлари талаб қилган тақдирда, ушбу моддага мувофиқ тўловлар билан боғлиқ солиқ мажбуриятларини пул ўтказилгунга қадар инвестор амалга оширишини талаб қилиши мумкин бироқ бундай талабнома ушбу моддада қайд этилган эркин ва кечиктиришларсиз пул ўтказишга нисбатан тўсиқ сифатида қўлланилмайди.

8-модда **Бошқа қоидаларни қўллаш**

1. Агар исталган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳозирда мавжуд бўлган ёхуд кейинчалик Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ушбу Битимга қўшимча равишда белгиланган мажбуриятлар, бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторлари амалга оширган инвестицияларга ушбу Битимда кўзда тутилгандан кўра қулайроқ режим яратиш ҳуқуқини берувчи умумий ёки махсус қоидаларни ўз ичига олса, бундай қоидалар, агар улар янада қулайроқ бўладиган бўлса, устувор ҳисобланади.

2. Ушбу Битимга кўра Аҳдлашувчи Томонлардан бири билан бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасида эришилган келишув бўйича яратиладиган янада қулайроқ шарт-шароитларга ушбу Битим таъсир кўрсатмайди.

3. Ушбу Битимдаги ҳеч қандай ҳолат у имзоланган санада кучга кирган интеллектуал ва саноат мулк ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган исталган давлатлардан бири иштирокчиси бўлган халқаро битимларда белгиланган қоидаларга таъсир кўрсатмайди.

9-модда **Суброгация**

Агар Аҳдлашувчи Томон ёки унинг тайинланган агентлиги ўзининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида инвестицияларни амалга оширган исталган инвесторига инвестициялар борасида нотижорат хавфидан кафиллик, товон тўлаш кафолати ёки суғурта шартномаси бўйича тўловларни амалга оширса, бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай инвесторнинг ҳар қандай ҳуқуқ ёки талабномалари биринчи Томонга ёки унинг тайинланган агентлигига ўтишини ҳамда суброгация асосида, дастлабки ҳуқуқ эгаси сифатида биринчи Аҳдлашувчи Томон ёки унинг тайинланган агентлигининг исталган шундай ҳуқуқ ва талабномаларини

амалга ошириш ҳуқуқини тан олиши лозим. Бундай суброгация инвесторнинг ҳуқуқи бўлган зарарларни қоплаш ёки бошқа бадал тўлаш учун ҳар қандай тўловларда биринчи Аҳдлашувчи Томон ёки унинг тайинланган агентлигига бевосита бенефициар бўлиш имконини беради.

10-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллашга тааллуқли бўлган ҳар қандай низолар имкон қадар дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши лозим.

2. Агар низони бундай йўл билан музокаралар бошлангандан сўнг олти ой мобайнида ҳал этиш имконияти бўлмаса, иккала Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг талабига кўра, низо Арбитраж судига кўриб чиқиш учун топширилади.

3. Арбитраж суди қуйидаги тарзда ташкил этилади: ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан арбитрини тайинлайди ва бу иккита арбитр учинчи давлат фуқаросини Раис сифатида сайлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни низони Арбитраж судида кўриб чиқиш истаги тўғрисида хабардор этган санадан бошлаб, арбитрлар уч ой ичида ва Раис беш ой ичида тайинланиши зарур.

4. Агар ушбу модданинг **3-бандида** белгиланган муддат мобайнида зарурий тайинловлар амалга оширилмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан бири, ўзгача келишув мавжуд бўлмаган бўлса, зарурий тайинловларни амалга ошириш учун Халқаро Суд Президентини таклиф қилиши мумкин. Башарти, Президент Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса, ёки ўзга сабаблар қайд этилган вазифани бажаришга тўсқинлик қилса, зарурий тайинловларни амалга ошириш учун вице-Президент таклиф этилади. Агар вице-Президент Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса, ёки у ҳам қайд этилган вазифани бажара олмаса, зарурий тайинловларни амалга ошириш учун Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлмаган, лавозими кейинги ўринда турган Халқаро Суднинг аъзоси таклиф этилади.

5. Арбитраж суди ўз қарорини қонунга ҳурмат асосида, ушбу Битимда қайд этилган қоидаларга ёки Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида кучга кирган бошқа битимларга ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига мувофиқ қабул қилади.

6. Агар Аҳдлашувчи Томонлар ўзгача қарор қабул қилмаса, Арбитраж суди ўз тартиботларини белгилайди.

7. Арбитраж суди ўз қарорларини кўпчилик овоз билан қабул қилади ва бундай қарор иккала Аҳдлашувчи Томон учун тугал ва мажбурий ҳисобланади.

8. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон арбитраж жараёнидаги ўз арбитри ва вакиллиги билан боғлиқ харажатларни қоплайди. Бошқа харажатларни, жумладан Раис учун сарфланадиган чиқимларни, иккала Аҳдлашувчи Томон тенг тарзда қоплайдилар.

11-модда

Бир Аҳдлашувчи Томон ва бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон ва бошқа Аҳдлашувчи Томон инвестори ўртасида ушбу Битим доирасида инвестициялар хусусида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай низолар тўғрисида инвестор, вазиятни батафсил баён қилган ҳолда, ёзма равишда биринчи Аҳдлашувчи Томонни хабардор этади. Тегишли томонлар бундай низоларни имкон қадар дўстона тарзда ҳал этишга интиладилар.

2. Агар бундай низолар **1-бандда** қайд этилган ёзма хабарнома юборилган санадан бошлаб олти ой мобайнида дўстона тарзда ҳал этилмаса, инвесторнинг истагига кўра, низо:

худудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли судига; ёки

БМТ Халқаро Савдо ҳуқуқи бўйича Комиссиясининг Арбитраж қоидаларига мувофиқ таъсис этилган «ad hoc» арбитраж судига; ёки

Давлатлар ва бошқа давлатлар фуқаролари ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал этиш бўйича 1965 йил 18 мартда имзоланган Вашингтонда очилган Конвенцияга мувофиқ

таъсис этилган Инвестицион низоларни ҳал этиш бўйича халқаро Марказ (ISCID)га топширилади.

3. Арбитраж:

ушбу Битим қоидалари;

ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томоннинг миллий қонунчилиги, шу жумладан коллизия ҳуқуққа тааллуқли бўлган унинг қоидалари; ва

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва принципларига асосланади.

4. Аҳдлашувчи Томон ҳимоя сифатида инвесторнинг етказилган зарарнинг ҳаммаси ёки унинг бир қисми эвазига кафолат ёки суғурта шартномасига мувофиқ бадал олганлиги ёки олиши мумкинлиги фактига асосланмаслиги лозим.

5. Арбитраж қарорлари низодаги томонлар учун тутал ва мажбурий ҳисобланади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қарорларни ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12-модда **Битимни қўллаш**

Ушбу Битим, у кучга киргунга қадар ёки кучга киргандан сўнг бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширган инвестицияларига нисбатан қўлланилади.

13-модда **Битимнинг кучга кириши, давомийлиги ва амал қилишининг тўхтатилиши**

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлар халқаро битимларнинг кучга кириши учун зарур бўлган тегишли конституцион талабларни бажарганликлари тўғрисида бир-бирларини хабардор қилган санадан бошлаб кучга киради. У дастлабки ўн йил давомида амал қилади ва кейинги икки йиллик даврларга узайтириб борилади.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу модданинг **1-бандида** қайд этилган исталган давр муддати тугашидан олти ой илгари ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин.

3. Ушбу Битим амал қилишидан тўхтатилган кунга қадар амалга оширилган инвестициялар, ушбу Битимнинг қолган барча бошқа модда қоидалари у амал қилишидан тўхтатилган кундан сўнг кейинги ўн йиллик давр мобайнида ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ҲОЛДА, тегишли тарзда ваколатланганлар ушбу Битимни имзоладилар.

Мадрид шаҳрида 2003 йил 28 январда, икки нусхада, ўзбек, испан ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асосий ҳисобланади.

(имзолар)